Большую заботу о членах коллектива проявляет профсоюзный комитет, председателем которого является Шухрат Курбанов. Уделяется большое внимание стабильной социальной защите работников комплекса, ни один человек не остается без внимания. Регулярно оказывается помощь малообеспеченным семьям, выделяются средства на приобретение лекарств. В газо-химическом комплексе создан кабинет психологической разгрузки, фитобар. Ежегодно в коллективе выделяется сельскохозяйственная продукция для сотрудников и их семей.

Заметим, что очередным проявлением внимания к работникам является обеспечение трудящихся благоустроенными домами и коттеджами в поселке Нуристон. А в текущем году здесь возведены детский сад «Эрхатой» на 140 мест и общеобразовательная школа на 844 ученических места, которые распахнут свои двери для детей и школьников с сентября текущего года.

Благодаря умелой политике руководства, газо-химический комплекс достиг больших успехов в работе. Его продукция не только обеспечивает потребности нашей республики, но и экспортируется в другие страны мира - Россию, Украину, Казахстан, Китай, Турцию и многие другие.

Вблизи гиганта, расположенного среди песков, несмотря на палящее солнце, растут деревья, благоухают цветы. Земля словно благодарит людей за проявленную заботу о ней.

Л. БОРТКОВСКАЯ.



единомышленниками, - говорит Исмадулло Туракулов.

Состояние здоровья отдыхающих детей постоянно контролирует врач Улмас Курбанов, а также здесь трудятся две медицинские сестры и зубной врач, которые обеспечивают своевременный осмотр детей, помещений и территории лагеря.

В Республике Узбекистан за эпидемиологической ситуацией ведется постоянный контроль. Органами Госсанэпиднадзора и центрами карантинных и особо опасных инфекций постоянно ведется мониторинг за состоянием заболеваемости населения в целях организации оперативных противоэпидемиологических мер.

На сегодняшний день для Узбекистана актуальны проблемы таких инфекций, как ВИЧ/СПИД, малярия, чума, холера, геморрагическая лихорадка, туберкулез, сибирская язва и др. Это связано с тем, что в соседних приграничных странах отмечаются вспышки инфекционных заболеваний, а общие источники водоснабжения представляют постоянную опасность для нашей республики.

Большую озабоченность в последнее время вызывает маловодье и засуха в регионе Приаралья, что обуславливает угрозу возникновения особо опасных инфекций. В связи с этим Узбекистан нуждается в постоянной поддержке полномасштабного проведения профилактических и противоэпидемиологических мероприятий.

Особо опасные инфекции

Холера - острая инфекционная болезнь с фекально-ораль-

Специалист предупреждает ОБЕСПЕЧИМ САНИТАРНО-ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКУЮ БЕЗОПАСНОСТЬ РЕСПУБЛИКИ

ным механизмом передачи, вызванная вибрионом.

Характеризуется развитием острого и острейшего энтерита и гастроэнтерита, нарушениями водно-электролитного обмена, сгущением крови, развитием гиповолемического шока, расстройством функции почек.

Этиология, патогенез. Заболевание вызывается двумя разновидностями холерного вибриона: *Vibrio cholerae asiatica*, *Vibrio cholerae EL-TOR*.

Действием экзотоксина холерного вибриона на эпителий слизистой оболочки тонкой кишки обусловлена потеря жидкости организмом. Морфологические изменения эпителиальных клеток и подлежащих тканей стенки кишки не имеет.

Симптомы, течение. Инкубационный период от нескольких часов до 5 дней. Заболевание начинается остро, с появления поноса, к которому несколько позже присоединяется рвота. Стул становится все более и более частым, испражнения теряют каловый характер и запах, становятся

водянистыми. Позывы на низ становятся императивными, больные не могут удержать испражнений. Выделения их кишечника по виду напоминают рисовый отвар или представляют собой жидкость, окрасившую желчь в желтый или зеленый цвет. Относительно часто в выделениях имеется примесь слизи и крови. Рвотные массы имеют тот же химический состав, что и выделения из кишечника. Это жидкость, окрасившая в желтый цвет, без кислого запаха. Потеря жидкости при рвоте и поносе быстро приводит к обезвоживанию организма, вследствие чего меняется внешний вид больного: черты лица заостряются, слизистые оболочки рта суховатые, язык становится хриплым, кожа теряет обычный тургор и легко собирается в складки, развивается цианоз кожи и слизистых оболочек. Появляются тахикардия, одышка, тоны сердца становятся приглушенными, снижается АД (артериальное давление), уменьшается количество мочи. Часто возникают тонические судороги, болезненные судороги

мышц конечностей. При пальпации живота определяется переливание жидкости по кишечнику, усиленное урчание, а в ряде случаев шум плеска жидкости. Пальпация безболезненна. Температура тела становится нормальной. При прогрессировании заболевания у больного развивается тяжелое состояние, которое характеризуется снижением температуры тела до 34,5°-35,5°С, с крайней обезвоженностью (больной теряет 8-12 % массы тела), нарушениями гемодинамических показателей, одышкой. Окраска кожи у таких больных приобретает пепельный оттенок, голос отсутствует, глаза запавшие, склеры тусклые, взгляд немигающий. Живот втянут, стул или мочеиспускание отсутствуют. В крови за счет сгущения отмечаются высокий лейкоцитоз, увеличение содержания гемоглобина и эритроцитов, индекса гематокрита, увеличение относительной плотности плазмы.

Распознавание в очаге холеры при наличии характерных проявлений болезни трудностей не представляет.

Диагностика первых случаев

холеры в местности, где она ранее не регистрировалась, всегда затруднительна и требует обязательного бактериологического подтверждения.

Лечение больных холерой проводят в больнице, но в некоторых случаях по неотложным показаниям оно может быть начато на дому. Больным с крайней обезвоженностью и явлениями гиповолемического шока (падение АД, резкая тахикардия или отсутствие пальпаторно определяемого пульса, одышка, цианоз, отсутствие мочи) для возмещения потерянной жидкости и солей немедленно начинают струйное внутривенное введение теплого (38-40°С) стерильного солевого раствора типа «трисоль» (1000 мл стерильной апиrogenной воды, 5 г хлорида натрия, 4 г гидрокарбоната натрия, 1 г хлорида калия). В ряде случаев при невозможности венопункции проводят веносекцию. В течение первого часа больным с явлениями гиповолемического шока вводят солевой раствор в количестве, равном 10 % массы тела (при массе больного 75 кг - 7,5 л раствора), а затем переходят на капельное введение раствора со скоростью 80-100 капель в минуту.

Т. ЗАХАРОВА,
врач-эпидемиолог
г. Чирчик.

Ташкентская область.
(Продолжение следует).

2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили

МАҚСАД – МУШТАРАКЛИК

«Ҳизир назар қилган жойда қут-барака ва у ерда яшаётган инсонларнинг ишида ривож бўлиб, умри зиёда бўлади», деган ҳикматли гапда ҳақиқат бор.

Ҳа, бундай эътирофга Уйчи туманидаги «Ҳизиробод» деб аталган қишлоқ врачлик пунктининг шифокору ҳамширалари лойиқдир. Чунки улар халқ саломатлиги йўлида меҳнат қилаётган фидойи инсонлар, десак аниқлашганимиз бўларди.

– Аслида мазкур ҚВПда фаолият юритаётган ушбу ҳамкасбларимиз бундай эъзозга ҳақли равишда муносибдир, – дейди Уйчи туман марказий шифохонаси бош шифокори Нейматжон Қирғизбоев. – Улар хизматининг эътиборли жиҳати шундаки, унча катта бўлмаган жамоа Охунбоев, Турсун Рўзибоев номли, «Қаҳрамон» ва «Ҳизиробод» маҳалла фуқаролар йиғинидаги сал кам 10 минг аҳолига тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатаётган ушбу жамоанинг ишларини фахр билан тилга олиб, ибрат қилиб кўрсата аризийди.

Бундай эътироф шунчаки айтилган гаплар эмаслигига муассаса фаолияти билан танишиш жараёнида гувоҳ бўлдик. Мана, беш йилдири, замон андозаларига мос равишда қурилган, энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги бинода ишлаётган хизирободлик шифокорлар жамоаси хизмат кўрсатиш борасидаги бой тажрибаси билан туманда ўтказилаётган турли қуриқ-танловларда ҳам гоиликни кўлга киритиб келмоқда.

Ана шундай аҳил, пешқадам жамоага олий тоифали умумий амалиёт шифокори Махмуда Олимова етакчилик қилади.

Раҳбар ва шифокорлар мақсадини муштараклиги боис ҳам, «Намунали ҚВП» мақомини анча йилдан бери оқлаб келмоқда. 5 нафар шифокор ва 11 нафар ҳамширадан иборат муъжазгина жамоа 9649 нафар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатаётганлиги айтишга осон гап ҳолос. Лекин уларнинг амалда бажараётган ишлари ҳар қандай таҳсинга лойиқ. Жумладан, турли юқумли касалликларга қарши олиб бораётган чора-тадбирлари натижасида касалликларнинг кўрсаткичи йилдан-йилга сезиларли даражада камаётганлиги уларнинг сидқидилдан меҳнат қилаётганидан далолат беради. Шунингдек, кейинги 6-7 йил ичида бир ёшгача бўлган болалар ҳамда ҳомилдор аёллар ўртасида ўлим ҳолатлари қайд этилмаганлиги ҳам мазкур муассаса ходимларининг ўз ишига бўлган масъулиятидир.

– Бундай ихобий ютуқларга эришишимиз аввало юртдошларимизнинг яшаш шартлари тубдан яхшиланиб бораётганлиги, яъни маҳалларимизда тоза ичимлик сув муаммоси ҳал этилганлигидир, – дейди ҚВП мудириси М. Олимова. – Бундан ташқари, ҳамқишлоқларимизнинг ўз соғлигига бўлган муносабати, тураржойларни озода тутиши, тозаланиш ва соғлом турмуш тарзи қондаларига амал қилиши ҳам барча касалликларнинг олдини олишга пухта замин яратмоқда. 2680 нафар туғиш ёшидаги аёллар ва 2980 нафар ўғил-қиз ўртасида соғлигидан шикоят қилиш ҳолатлари деярли учрамапти.

4 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва 6 нафар байналминал жангчилар соғлиги ҳам доимо шифокорлар назоратида. Бундан ташқари, маҳалладаги мактаб ўқувчилари ва мактабгача муассаса тарбияланувчилари ҳам тез-тез тиббий кўриқдан ўтказилиб турилибди.

«Ҳизиробод» қишлоқ врачлик пунктига сафаримиз чоғида ҳамроҳлик қилган туман Саломатлик маркази бош шифокори, олий тоифали врач Аҳмаджон Юсупов ҳамкасблари ишига юксак баҳо бериб, шундай деди: «Буллар тиббиётнинг бош шiori: «Касални даволашдан кўра унинг олдини олган афзал», деган нақлга шунчаки ёндошмайдилар. Ҳар бир оиллада тиббий маданият ва маърифат чуқур илдиз отиши учун тарбиёт-ташвиқот ишларини изчил олиб боришади. Бу эса албатта кутилган натижани беради».

Бундай мақтовга сазовор бўлишда Н. Қодирова, Д. Солиева, Р. Маматкулова сингари шифокорлар билан ҳамда тажрибалири аямангилар. Улар кўйган ташхислар асосидаги муолажаларни бажаришда А. Жўраева, С. Қобулова, Ж. Тожибоева, Ҳ. Исомова, М. Расуловадек ҳамширалар фидойилик кўрсатишмоқда.

Ташрифимиз давомида кўплаб беморлардан тиббиёт ходимлари ҳақида илиқ гапларни эшитиб хурсанд бўлдик. Ана шундай аҳил жамоанинг бундан кейинги ишлари ҳам улкан зафарлар тилаймиз.

**Аскарали МАМАТОВ,
Наманган вилояти.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий таълимни ривожлантириш Марказини ташкил этиш тўғрисида

республика тиббиёт ва фармацевтика олий таълим муассасалари ҳамда тиббиёт коллежлари барча таълим йўналишлари учун Давлат таълим стандартлари лойиҳалари, ўқув режа, намунавий ўқув дастурлари, ўқув-усlubий адабиётлар, дарслик ва ўқув қўлланмаларини экспертизадан ўтказиш, уларни тегишли вазирилқларда тасдиқдан ўтказиш учун ҳужжатлар тайёрлаш ва тақдим этиш. Тасдиқланган меъёрий ҳужжатлар ва ўқув адабиётларини чоп этириб, тиббиёт таълим муассасаларига етказиш, уларнинг таълим жараёнида қўлланилишини таъминлаш;

тиббий кадрларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ўқув муассасалари, ушбу жараёнда қатнашувчи илмий-тектириш институтлари ва илмий марказларнинг ўқув режа ҳамда таълим дастурлари, ўқув-усlubий адабиётларини экспертиза қилиш, тасдиқлаш, уларни чоп этиш ва ўқув жараёнида қўлланилишини таъминлаш;

олий таълимнинг клиник ординатура босқичи йўналишлари учун давлат талабларини белгилайдиган ҳужжатлар, ўқув режа, таълим дастурлари, ўқув-усlubий адабиётларини экспертизадан ўтказиш, тасдиқлаш ҳамда улар билан ўқув муассасалари, илмий-тектириш институтлари ва илмий марказларни таъминлаш; республикадаги тиббий-профилактик ва таълим муассасаларида барча йўналишлар бўйича мутахассис тиббий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича турли чет эл ташкилот ва фирмалари томонидан ўтказиладиган ўқув-усlubий, илмий-амалий конференция, семинар, шунингдек, бошқа анжуманларнинг дастурларини экспертизадан ўтказиш ҳамда тасдиқлаш;

«Тиббиёт олий ўқув юртлиари Ректорлар раёсати» ва «Тиббиёт коллежлари Директорлари раёсати» билан ҳамкорликда, тиббиёт ўқув юртлиаридаги ўқув-усlubий, тарбиявий, маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш, илгор иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш, оммалаштириш ва бошқа ўқув юртлиари тарғиб қилиш, ушбу вазифалар бўйича услубий тавсияномалар ишлаб чиқиш ҳамда улар билан ўқув юртлиарини таъминлаш;

тиббиёт ўқув юртлиари учун дарслик, ўқув қўлланмалари яратиш истиқбол режаларини ишлаб чиқиш, бажарилишини таъминлаш, муаллифлар таллаш, тақриз ва экспертизасини амалга ошириш; кутубхоналар ишларини уйғунлаштириш, талабаларнинг адабиётлар билан таъминланшини ўрганиш ҳамда зарур бўлганда, дарсликлар яратиш режаларига ўзгартиришлар киритиш;

тиббиёт ва фармацевтика олий ўқув юртлиари қошидаги академик лицейлар иш фаолиятини ўрганиш ҳамда уларга амалий-усlubий ёрдам кўрсатиш;

янги педагогик технологияларни тарғиб этиш ва таълим жараёнида қўллаш бўйича семинар, конференциялар, ўқув-усlubий анжуманлар ўтказиш, педагоглар илгор тажрибаларини ўрганиш мақсадида, тиббиёт ўқув юртлиари лаборатория, фан хоналари қуриқ-танловлари, олимпиадалар, талаба-ўқувчилар ижодий ишлари кўриги ҳамда танловларни ташкил қилиш.

5. Марказ директориға:
Марказ Устави, тузилмаси ва унинг рекувизитларини маҳаллий ҳокимият органларида ўрнатилган тартибда бир ой муддатда рўйхатдан ўтказиш;

Марказнинг тасдиқланган Устави ва тузилмасига асосан унинг бўлимлари ва ходимларнинг хизмат вазифаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш;

Марказнинг ҳўжалик ҳисобида фаолият кўрсатиши бўйича чора-тадбирлар амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

6. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ИМБТББ бошлиғи Б. О. Хошимовға:

Марказнинг фаолияти ўқув-усlub идорасида белгиланган штат жадвали бўйича ташкил қилинсин.

Марказни молиялаштириш давлат бюджети маблағи ҳисобига давом этирилсин.

7. Марказ фаолиятини назорат қилиш вазифаси вазир ўринбосари Н. У. Шариповга юклатилсин.


8. «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий таълимни ривожлантириш Маркази»нинг манзили Паркент кўчаси, 51, деб белгилансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1967 йил 18 августдаги 414-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ушбу буйруқ бажарилишининг назоратини ўз зиммада қолдираман.

ВАЗИР

Ф. Г. НАЗИРОВ.



ШОГИРД БЎЛГАН ШИФОКОР...

Шифокор ўз билими ва тажрибасини қурол қилиб, дард билан олишиб ётган беморга нажат бергучи инсон бўлиб, одамзотнинг бебаҳо бойлиги бўлган саломатлиги учун масъулдир. Жамиятимизда тиббиёт соҳасининг турли бўлимлари мавжуд. Ушбу бўлимлардаги шифокору ҳамшираларнинг бурчи битта – халқ саломатлигини муҳофаза қилиш.

Ҳа, тиббиёт тизимида фаолият юритаётган ҳар бир шифокорнинг меҳнатини улуглаб, улар ҳақида қат-қат китоблар ёзсақ-да озлик қилади. Чунки, бу касб эгалари дунёга келган жажжи гўдакни жанангдор овози билан она қўлига тутқазди, ҳаёти қил устида турган беморни эса ҳаётга қайтаради.

Биз куйида ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз Маъмиржон Қорихонов ҳам бутун ҳаётини шифокорлик касбига бағишлади. Маъмиржон тиббиётчилар оиласида таваллуд топган. У мактабда ўқиб юрган кезлари ота-онасининг касбини эгаллашни орзу қиларди. Ана шу орзу-умидлар уни 1977 йилда Андижон Давлат тиббиёт институти дотам етказди.

Талабалик даврида у Ю. Отабеков, С. Жумабоев (уларни Оллоҳ раҳматига олсин), К. Мирзаев, С. Турсунов каби профессорлардан тиббиётнинг

сир-асрорларини кунт билан ўрганиб, 1984 йилда мазкур институти имтиёзли диплом билан тамомлади.

Маъмиржон Қорихонов олган билимларини янада бойитиш мақсадида Москва, Харьков вази билан она қўлига тутқазди. Тошкент шаҳарларида тажриба ошириб, тиббиётнинг энг мураккаб соҳаларидан бири – кардиология бўйича тажрибали мутахассис бўлиб етишди.

У 1986 йилдан то 2002 йилга қадар Марҳамат туманида бош кардиолог, сўнгра соғлиқни сақлаш бўлими бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари лавозимларида фаолият юритди. 2002 йилдан то шу кунгача туман марказий поликлиникасининг бош шифокори вазифасида ишлаб келмоқда.

Шу давр мобайнида Маъмиржон Қорихонов ўзининг талабчанлиги, ишга фидойилиги, камсуқум ва камтарлиги билан жамоа ҳамда эл назарига тушди.

Унинг обрў ва хурматга эга бўлишида, тажриба орттиришида малакали шифокорлардан Ф. Ҳақёров, А. Қаримов (уларнинг жойи жаннатда бўлсин), А. Мелиқўшиевларнинг хиссаси катта бўлди. Айниқса, Маъмиржон устозлари С. Бобоев ва И. Исмоиловларнинг берган панду насиҳат ва маслаҳатларини фахр билан тилга олади. Кечагина шогирд бўлган шифокор, бугун ўнлаб шогирдларга устоз.

Маъмиржоннинг отаси Комилжон ҳожи Қорихонов 46 йил фельдшер, онаси Тамарахон Қорихонова эса 36 йил болалар поликлиникасида ҳамшира бўлиб ишлашган. Улар айни пайтда фарзандлари ва набиралари даврасида қариллик гаштини суришмоқда.

Биз ҳам ўз навбатида меҳнатқаш, олижаноб, қалбидарё ва малакали шифокор М. Қорихоновнинг халқ саломатлиги йўлида олиб бораётган ишларига омад тилаб, сийхат-саломатлик, оилавий бахт ҳамиса ҳамоҳи бўлишини истаб қоламиз.

**Абдурасул ЭРАЛИЕВ,
Андижон вилояти.**

ХАФТА

ЯНГИЛИКЛАРИ

АЁЛЛАР ПОЙГАСИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманида хотин-қизлар ўртасида велопойга уюштирилди.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу беллашувда 50 нафардан ортиқ хотин-қиз иштирок этиб, 2 километрлик масофада ўз чаққонликларини намойиш этишди. Мусобақа якунларига кўра, Тойлоқ туманининг Пайшанбасиёб маҳалласидан Гулшода Жўраева, Комила Мардонова ҳамда Юқори Тойлоқ маҳалласидан Нигора Мардоновалар голиб деб топилди ва эсдалик совғалари топширилди.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ УЧУН

Иштихон туманининг Шожаул қишлоғида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини жорий этиш мақсадида амалий учрашув ташкил этилди.

«Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, тиббий-ижтимоий потронаж бригадаси, Она ва бола скрининг маркази мутахассислари иштирокидаги ушбу учрашувда хотин-қизлар ўртасида турли касалликларнинг келиб чиқиши, уларнинг олдини олиш борасида суҳбатлар бўлиб ўтди. Шу аснода ушбу қишлоқдан 75 нафар хотин-қиз ва 48 нафар ўсмир тиббиёт мутахассислари томонидан кўриқдан ўтказилди ва даволашни учун тавсиялар берилди.

Учрашув сўнггида қишлоқдаги моддий кўмакка муҳтож, касалманд кишиларга бепул дори-дармон, кийим-кечаклар улашилди.

ДОЛЗАРБ МАШҒУЛОТЛАР

Яқинда Самарқанд туманидаги Миронқул қишлоғи тоғ этакларида фавқуллодда вазиятларда жабрланганларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича республика минтақавий ўқув машғулотлари ўтказилди. Унда Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Қизил Ярим ой жамиятлари Кенгаши қошида уюшган кўнгиллилар гуруҳлари иштирок этишди.

Ўқув машғулотлари дастурига кўра тоғ қулаши, зилзила, ёнғин, қор кўчиши натижасида зарар кўрганларга қандай ёрдам бериш амалиёти киритилган бўлиб, иштирокчилар тўрт гуруҳга бўлиниб, ўзаро беллашдилар. Минтақавий ўқув машғулотлари натижасида фаол жамоа ва иштирокчиларга Қизил Ярим ой ва Қизил Хоч жамиятлари белгиси туширилган ёзги устки кийимлар, эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар топширилди.

ЁШ МАДАДКОРЛАР

Қизил Ярим ой жамияти Самарқанд вилояти Кенгаши қошида Ёшлар маркази иш бошлади.

Марказни ташкил этишдан мақсад – касалманд, ногирон ва руҳий кўмакка муҳтож ўсмир ва ёшларга, аввало саломатликларини тиклашда, қолаверса, иқтидорларини кўрсатишда яқиндан ёрдам бериш, – дейди унинг ташкилотчиси ва раҳбари Гулмира Келдиёрова. – Ушбу эзгу ишни биринчи бўлиб, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали талабалари қўллаб-қувватлашди.

Ёшлар маркази фаоллари ва ТАТУ талабаларидан иборат гуруҳ яқинда Самарқанд шаҳридаги 11-мехрибонлик уйида бўлишди. Қизгин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар асосида ўтган ушбу учрашув меҳрга муҳтож болалар онгида унутилмас таассуротлар қолдирди.

ТИББИЙ ПРОФИЛАКТИКА

«Касалликни даволашдан кўра олдини олган маъқул», деган нақлга амал қилган Самарқанд тиббиёт паразитология клиникаси ходимлари вилоят туманларидаги қишлоқлар, маҳалла ва ўқув муассасаларида бўлишиб, паразитли касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг олдини олиш чора-тадбирлари ва даволашни жараёнлари ҳақида тушунтиришлар олиб боришмоқда.

Тарғибот-ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйишимиз қисқа вақт ичида ўз самарасини берди, – дейди клиника бўлим мудираси Моҳира Мусаева. – Натижада, шифохонамизга даво излаб келувчилар сони сезиларли даражада камайди.

Ҳамза ШУКУРОВ,
Самарқанд вилояти.

Ибрат

КЎЗ – ИНСОН ГАВҶАРИ

Кўз инсон организмдаги энг муҳим аъзолардан биридир. Шунинг учун ҳам кўз – инсоннинг гавҳари дейишади. Агар ана шу гавҳарнинг бирор жойи лат еса, билинги у инсон тушқунликка тушиб, гўёки ҳайда яшашдан мақсади қолмагандек, умидсизлана бошлайди. Бундай вазиятларда беихтиёр Муродилла Ашуров бошқараётган Қашқадарё вилоят 2-сон кўз касалликлари шифохонасида бўлиб, бу ерда хизмат қилаётган меҳрибон шифокорларнинг беминнат меҳнатлари билан яқиндан танишганим, дарҳол эсимга тушади.


Шифохона Шахрисабз шаҳрининг гўзал Новқат қишлоғида жойлашган бўлиб, бу ерда кўз касаллигининг барча турларини даволаш учун етарли шарт-шароитлар яратилган. Замоनावий типда қурилган шифохона атрофи турли хил боғроғ ва гулзорлар билан қопланган. Даво масканида ҳозирги кунда 11 кишидан иборат олий тоифадаги шифокорлар, 100 дан ортиқ ҳамшира, 20 нафар орасабонулар хизмат қилаётир.

Тошкентда ўтказилган халқаро офтальмологлар илмий анжуманида, 2006 йилда «Болалар офтальмологияси хизмати ва унинг истиқболи» мавзусидаги халқаро анжуманда иштирок этиб Хиндистон, АҚШ, Шотландия, Англия, Россия давлатлари ва мамлакатимиздаги моҳир шифокорлар иш тажрибаларини ўрганишди. Ушбу анжуманда илмий 2-кўз касалликлари шифохонасининг тажрибали хирурглари Султонмурод Тошматов, Муродилла Ашуров ҳам иштирок этиб, ўзла-

родилла Ашуров, Султонмурод ва Зайниддин Тошматовлар 2-3 йил давомида кўзи мутлақо кўрмай қолган юзлаб инсонларни даволаб, ёруғ дунёни қайта кўриш бахтига муяссар қилишмоқда.

Шифохонамизда ўтган йили 3010 киши, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида эса шу кунгача 1361 нафар бемор даволаниб, соғ-саломат уйларига қайтарилди, – дейди биз билан суҳбатда Муродилла Ашуров. – Жорий йилда мураккаб операция билан 40 беморнинг кўзига гавҳар қўйилди. Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан 18 нафар беморнинг кўзига бепул гавҳар қўйилиб, уларнинг диллари хушнуд этилди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, афгончилар, Чернобил фалокатини тиклашда қатнашган юрдошларимиз, 16 ёшгача бўлган болалар имтиёзли равишда пулсиз даволанишмоқда, улар ётоқхона ва овқатлар учун маблағ тўлашдан озод қилинган. Шифокорлар доимо ўз устида ишлашади. Улар юқори малакага эга бўлган Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг офтальмология кафедраси мудир, профессор Комилов билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Бундан ташқари, врач ва ҳамширалар республика миқёсидаги семинарларда қатнашиб ўқув курсларига малакамасини ошириб, тажрибаларини бойитиб боришмоқда. Ана шундай шифокорлардан Озода Раҳмонова, Мария Бобохонова, Гулшан Эрденова, Султоной Хўжамова, Султонмурод Рустамов, Зайниддин Тошматов, Жўракул Ашуров беморларни даволашда фидойилик кўрсатишмоқда.



Шифохонада микрохирургия, 2-хирургия, маслаҳат шифохонаси бўлимлари ва ички дорихона мавжуд бўлиб, беморларни даволайдиган 100 дан ортиқ ўринлар бор. Шифохонада асосан глаукома, филлалик, кўз гавҳари патологияси, кўрув аъзоси ўсмалари, катаракта ва бошқа кўз касалликларини даволаш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, турма глаукома хасталиги билан оғриган касаллар ҳам даволанади.

Беморларга ташхис қўйиш, даволаш ишларини пухта ўтказиш учун микрохирургия, лазер каби ускуналардан кенг фойдаланилмоқда. Касалхона маъмурияти яқин кунларда кретотомия қилиш асбобини келтириш савъ-ҳаракатида юрибди. Шифохонада меҳнат қилаётган барча олий тоифали шифокорлар 2005 йилда машҳур офтальмолог Филатовнинг 110 йиллиги муносабати билан

рининг маърузалари билан қатнашишди.

Ҳамиша изланишда бўлган бу шифокорлар кўзини операция қилиш ва гавҳар қўйишни исроиллик тажрибали шифокорлардан пухта ўрганиб олишган. Му-

Ҳа, вилоят 2-кўз касалликлари шифохонасининг бош врач Муродилла Ашуров таъкидлаганидек, кўз касалликлари шифохонаси жамоаси ҳамжиҳатлик билан беморларни даволаш ва операция қилиш билан уларга шифо бахш этишда фидойилик кўрсатишмоқда. Таклиф ва мулоҳазалар дафтарини кўздан кечирар эканмиз, қамашилик Сайёра Ҳасанова, Рўзиқул Мустафоев, чироқчилик Тоштемир Мансуров, шаҳрисабзлик Зиёд Мансуров, Зиёд Худойқулов, яқкабонлик Незмат Эргашев каби беморларнинг миннатдорчилик ила биттилган дил сўзлари ўзининг самимийлиги билан, ҳар қанча мақтовдан афзал. Шифохонадан қайтар эканман беморлар кўзига нур бағишлайётган микрохирургия жамоаси ишига янги-янги зафарлар тиллаш баробарида, беморларга зиё бахш этаятган қўлларингиз толмасин азизлар, деб қоламан.

Ҳайрулла ТЎРАЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюмчаси аъзоси.

РАБОТА ПРЕВЫШЕ ВСЕГО

Каждый горожанин знает, что прийдя в поликлинику прежде всего обратиться в регистратуру, где радушно встретит, ему выдадут анкету, всегда дадут полезный совет.

Медсестры Орзу Сулейманова и Шахноза Рафикова из поликлиники № 29 Чиланзарского района всегда внимательны и добры к посетителям. Даже раздраженные от повседневных будней пациенты успокаиваются при их вежливом обращении.

Сами же медсестры работают слаженно, они стараются чтобы в их владениях все находилось в абсолютном порядке.

Хорошо когда есть такие медсестры, осознающие свои обязанности и четко выполняющие работу.

А. ПОПОВ,
фото автора.



Захарланишдан сақланинг!

**БОТУЛИЗМ ВА УНИНГ
ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРАЛАРИ**

Ботулизм касаллигининг микроби овқатдан захарланишнинг энг оғир турини келтириб чиқаради. Бу микроб озиқ-овқат маҳсулотларида кислотасиз мухитда кўпайди.

Ботулизм касаллигини чакирувчи микроблар кўпинча сут ва гўшт маҳсулотларида, узоқ муддат туриб қолган овқатларда ёки сақлаш муддати ўтиб қолган консерва маҳсулотларида кўпайиб, уларни инсон истеъмол қилганда касалланади. Ботулизм микроби билан зарарланган маҳсулотни одам ҳатто оғзига олиб, ютмаса ҳам касаллик келиб чиқиши мумкин. Ботулизм таёқчаси ишлаб чиқарган захар қонга тез сўрилади. Ва жуда кучли таъсир қилади. Касаллиқнинг яширин даври 2 соатдан 8-10 кунгача чўзилади. Ботулизмга йўлиққан кишининг кўнгли айниди, қайт қилади, ҳолсизланади, кўзи хиралашади, нарсалар иккита бўлиб кўринади (диплопия), тана ҳарорати 38-40°C даражача кўтарилса, ютиш ва гапирish қобилияти пасаяди, қорин соҳасида тўтиб-тўтиб турадиган оғриқ пайдо бўлади, ичи суради, бундан ташқари бўйин ва оёқ мушаклари заифлашади, шунинг натижасида бемор юршига қийналади.

Ботулизмда юрак қон-томир ва асаб тизими фаолияти кескин издан чиқади. Агар бемор вақтида шифокорга мурожаат қилмаса, унинг ҳаёти ҳаф остида қолади ва вақтида даво чоралари кўрилмаса, касаллик ўлим билан яқун топади.

Ботулизм касаллигида шифокор келгунга қадар беморга кўп миқдорда суюқлик бериш тавсия қилинади. Бу эса, ошқозон-ичак йўлида микробларнинг таъсирини бир мунча па-

сайтиради. Унга қарши зардоб беморга фақатгина шифохона шароитида қилинади.

Касаллиқнинг олдини олиш учун эса, уй шароитида тайёрланадиган маҳсулотларни консервалашда санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш лозим. Овқатни ҳамиша сифатли маҳсулотлардан тайёрлаш керак. Улар қанчалик кўп ювилиб, қайнатилса, яъни микробдан ҳоли қилинса, шунча хавфсиз бўлади. Қопқоғи кўтарилиб қолган тузламаларни ва узоқ вақт турган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш қатъиян ман этилади. Ҳар бир оилда, ишда, кундалик турмушда тозалikka жиддий эътибор бериш керак. Ана шу амалларга тўғри риоя қилинганда овқатдан захарланиш ҳолатларининг олдини олган ва бундай касалликлардан сақланган бўлаемиз. Бу борада бизнинг Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати хизмати томонидан бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Республикамизнинг барча вилоятларида аҳоли орасида бу касаллиқнинг олдини олиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, ушбу мавзуга оид оммабоп рангли тарғибот материаллари тайёрланиб, халқимизга тақдим этиляпти.

Н. ТОШБОВЕВ,
Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг
Санитария-эпидемиология
хизмати
матбуот котиби.

Янгилик

АЁЛ ВА ЭКОЛОГИЯ:**Иссиқ иқлим шароитида турмуш тарзи ва
саломатлик масалалари**

Маълумки, сўнги вақтларда қузатилаётган иқлимнинг исизиши ва бу жараённинг инсон саломатлигига таъсир этиши, айниқса, санитария-гигиена қоидаларига амал қилмаслик оқибатида, турли юқумли касалликларнинг кўпайиш ҳолатлари билан боғлиқ муаммолар долзарблиги кундан-кунга ортиб бормоқда. Шу муносабат билан иссиқ иқлим шароитида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш ва юқумли касалликларнинг олдини олиш, тўғри овқатланиш, кийиниш, кун тартибини режалаштириш, меҳнат

даги кишилар саломатлигига иссиқ иқлимнинг таъсири ва уларни муҳофаза қилиш масалаларини муҳокама этиш мақсадида «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти «Экология ва саломатлик кунлари» ҳамда «Аёл ва экология» дастури доирасида «Иссиқ иқлим шароитида турмуш тарзи ва саломатлик масалалари» мавзусидаги учрашув ҳамда «Энг яхши ободонлаштирилган ва кўк-ламзорлаштирилган ҳудуд» кўрик-танлови доирасида амалга оширилаётган тадбирлар жорий йилнинг 9 август кунини Ф. Ғуллом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтди.



Тадбирни «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти раиси Ю. Шодиметов кириш сўзи билан очиб, иқлимнинг исизиши ва бу жараённинг инсон саломатлигига таъсир этиш муаммоси долзарблиги тобора ортиб бораётганлиги тўғрисида сўз юритди. Сўнгра, Давлат Санитария-эпидемиология Республика

маркази бош врачининг ўринбосари Н. Отабоев, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Астрономия институти катта илмий ходими И. Сатторов ва бошқа кўпглаб мутахассислар сўзга чиқиб, ёзнинг иссиқ кунларида аҳолининг мавсумга қараб кийиниш маданияти, рақонал ва тўғри овқатланиш, меҳнат

қилиш ва дам олишни тўғри ташкил қилиш, иш жойларини рационализациялаштириш кабиларга эътибор бериш масалалари тўғрисида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, ушбу учрашувда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент тиббиёт академияси, Хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Ойла» илмий маркази ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг вакиллари иштирок этди.

Тадбир якунида гуллар кўرғазмасининг ташкилотчиси «Манзарали бордорчилик ва гулчилик» очик турдаги жамоа ҳўжалигига қиймати 1,5 миллион сўмдан зиёд бўлган халқ истеъмоли молларидан иборат бўлган «ЭКОСАН» ёрдами ва дипломи топширилди.

Асен НУРАТДИНОВ,
муаллиф олган сурат.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ ХУСУСИДА

Тошкент шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармасига қарашли «Гулбахор» оромгоҳида ёзги таълини кўнгилли ва марокли ўтказайтган болажонлар даврасига Республика Саломатлик институти ходимлари А. Исоқжонов, М. Қамбарова ва Б. Қодировлар ташриф буюриб, улар билан сihat-саломатлик, соғлом турмуш тарзи ва ёмон иллатларга қарши курашиш мавзуларида суҳбат ўтказишди.

Болалар билан бўлган суҳбатда барча иштирокчилар фаол катнашиб, юқоридаги мавзу бўйича берилган саволларга аниқ ва тўлиқ жавоб олдилар. Бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказилиши ёш болаларнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишига мустақкам замин яратди.

Баҳс ва мунозараларга бой бўлган суҳбатдан сўнг дам олаётган болалар гуруҳлари ўртасида югуриш эстафетаси ва асфальтга юқоридаги мавзуларни акс эттирувчи расмларни чиқиш бўйича мусобақа ўтказилди. Сўнгра, ҳар бир иштирокчи ўзи чизган суратларига етарлича изоҳ бериб ўтди.

Тадбир якунида голиблар аниқланиб, Республика Саломатлик институтининг эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Асен НУРАТДИНОВ
олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Республика Саломатлик институти, институт ходими Раҳимов Шерзод Илҳомжоновичга волидаи муҳтарамаси


Асалхон РАҲИМОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш - Здравоохранение Узбекистана» газетаси Республика Саломатлик институти ходими Раҳимов Шерзод Илҳомжоновичга волидаи муҳтарамаси

Асалхон РАҲИМОВнинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Анджихон тиббиёт коллежи директори Қаҳҳоров Фар Абдурахмоновичга падали бузурқвори

Абдурахмон КАҲҲОРОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Газета муассиси:

Ўзбекистон
Республикаси
соғлиқни сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир: **НОДИР ШАРАПОВ**
Ижрочи муҳаррир: **ИБОДАТ СОАТОВА**

Таҳрир ҳайъати раиси:
ФЕРУЗ НАЗИРОВ

Таҳрир ҳайъати аъзолари:
Бобур Алимов, Гавҳар Исмоилова, Омонтурди Миртозаев, Озода Муҳитдинова, Миржазод Миралдиев (Бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр Ниёматов, Абдурахмон Носиров, Нурмат Отабеков, Холмурод Раббонаев, Рихси Салихўжаева, Намоз Толипов, Маршат Турумбетова, Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов.

Манзилимиз: 700060. Тошкент шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 30-уй, 2-қават. Тел/факс: 133-57-73, тел: 133-13-22.

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йилнинг 17 ноябрь кунини рўйхатга олинган, гувоҳнома рақами 211.

Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekiston'da sog'liqni saqlash - Zdravoohranenie Uzbekistana» газетасидан олинди. Деб кўрсатилиши шарт. Адади 6850 нусха. Бюромига Г-1051.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Газета ҳажми 2 босма табақ. Формати А7. Офсет усулида босилган.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Саҳифаловчи: Бахтиёр КЎШОКОВ.
Оператор-дизайнер: Намоз ТОЛИПОВ.
Босмахонага топшириш вақти - 20.00.